

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА ФАЗИЛАТ ШУКУРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА
ДИЗАЙНГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Қодирова Фазилат Шукуровна

Инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайнга оид
терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари..... 3

Кадырова Фазилат Шукуровна

Лингвокультурологические особенности терминов изобразительного
искусства и дизайна в английском и узбекском языках..... 25

Fazilat Shukurovna Kodirova

Linguoculturological Features of the Terms of Fine Arts and
Design of the English and Uzbek languages..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА ФАЗИЛАТ ШУКУРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА
ДИЗАЙНГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil435 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешабаева Дилфуза Муминовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Палуанова Халифа Дарибаевна
филология фанлари доктори, доцент

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
филол. ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, филол.ф.д. доцент

Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида сўнгги йилларда илм-фан, техника ва санъат соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар янгидан янги терминларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Уларни тартибга солиш, айниқса, терминларни бир тилдан бошқасига таржима қилиш масаласини ўрганиш замонавий терминологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, янги терминлар тилнинг асосий лексик фонди ва умумхалқ тилининг луғат таркиби асосида яратилади. Турли тизимли тилларда яратилган терминларни чоғиштириш асносида бу тилларда соҳавий терминологик бирликларнинг фаоллашув кўламини аниқлаш долзарб муаммолардан бири саналади.

Бугун ривожланган мамлакатларда терминологияга оид қатор тадқиқотлар ўтказилмоқда. Жумладан, жаҳоннинг илғор мамлакатлари – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Малайзия, Франция, Японияда соҳавий терминология, хусусан, тасвирий санъат ва дизайн терминологияси ҳамда терминографиясини такомиллаштириш, терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари, компонентларининг бир-бири билан семантик алоқадор бирликлардан ташкил топиши, терминологияда миллий-маданий хусусиятларни сақлаб қолиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда тасвирий санъат ва дизайн соҳасининг тараққиёти ушбу соҳалар терминологик тизимининг бугунги ҳолати билан боғлиқ. Юртимизда тасвирий санъат ва дизайн терминларининг шаклланиши жамият тараққиётидаги турли мураккаб жараёнлар таъсирида кечди: технологиялар такомиллашуви ва коммуникация усуллари эволюцияси, жамият тузилмасининг ўзгариши, халқаро ва маданиятларнинг ўзаро алоқаларини кучайтирган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар шулар жумласидандир. Мустақиллик даври тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминологик тизимида рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни таҳлил қилиш тилшунос олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбек тилида тасвирий санъат ва дизайн терминологиясининг шаклланишини илмий нуқтаи назардан баҳолашда бу соҳа терминларини инглиз тили терминлари билан қиёсан ўрганиш, ҳар икки тил терминларига хос умумий ва фарқли миллий жиҳатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда тасвирий санъат ва дизайн намуналарига маданият феномени сифатида қаралиши, шунингдек, соҳа терминларининг шаклланишида халқ маданияти, урф-одати ва дунёқарашининг сезиларли таъсир кўрсатиши ушбу терминларни лингвокультурологик аспектда тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Зеро, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган «илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ вазифасини амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил 18 февраль. № 28 (6722).

оширишда мазкур соҳа терминларини тилшуносликнинг замонавий тадқиқ усуллари асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва ўзбек тилларида терминларнинг шаклланиши, лингвистик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар диссертациянинг назарий асосини таъминлади².

Жаҳон тилшунослигида тасвирий санъат ва дизайн терминларини тадқиқ этишга бағишланган айрим ишлар мавжуд. Жумладан, рус тилшунослигида В.Г.Власовнинг «Теоретико-методологические концепции искусства и терминология дизайна» номли диссертациясида ушбу соҳа терминлари шаклланишининг илмий-назарий асослари очиқ берилган³. Е.О.Ковалеванинг рус тили тасвирий санъат терминлари тадқиқига бағишланган ишида мазкур соҳа терминларининг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ этилган⁴, Л.А.Кривцованинг тадқиқотида эса санъат терминларининг семиотик, антропологик, эпистемологик хусусиятлари

² Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. – М.: Наука, 1959. – 14 с.; Бархударов Л. С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1973. – 240 с.; Лейчик В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – М.: Ком. Книга, 2006. – 256 с.; Гринев С.В. Введение в терминографию. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: МПУ, 1995.; Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии: (как работать над терминологическим словарем). – Л., 1968. – 240 с.; Picht H. Modern approaches to Terminological Theories and Applications. – Peter Lang. 2006. – 119 p.; Juan C. Sager. Practical course in Terminology Processing / UMIIST, 1990 – 104 p.; Nida E.A., Taber Ch. The Theory and Practice of Translation. – The Netherlands: Brill, 1982 – 216 p.; Буранов. Ж.Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. М., 1983. – 267 с.; Бакиева Г.Х. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 2011. – 165 б.; Ашурова Д.У. Text linguistics. Toshkent: Tafakkur qanoti, 2012. – 96 б.; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007. – С. 90-100.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Филол.фан.док. ...дисс. – Тошкент, 1988.; Усмонов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Тошкент, 1991 – Б. 79.; Қосимов Н. Функциональные особенности аффиксов в узбекской технической терминологии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1979. – 46 с.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 149.; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 238. Усманова Ш. Лингвокултурология. – Тошкент, 2019.– Б. 245.

³ Власов В.Г. Теоретико-методологические концепции искусства и терминология дизайна. Автор. дисс...док. искусс наук. – Санкт-Петербург. 2009. – 59 с.

⁴ Ковалева Е.О. Терминология изобразительного искусства в современном русском языке. Автор. кан. дисс. филол. наук. – К., 2005. – 86 с.

ёритилган⁵. Хитой тилидаги санъат соҳаси терминларининг миллий-маданий хусусиятлари Х.Чангнинг «Across-cultural interpretation of artistic terms in Chinese and western art theory and practice. A semantic analysis» номли диссертациясида таҳлил қилинган⁶.

Инглиз тилшунослигида тасвирий санъат ва дизайн терминлари Пабло Хелгуеранинг «Manual Of Contemporary Art Style» ишида таҳлил этилган⁷. Аллан де Соуза томонидан санъатда кадрланадиган, энг кўп қўлланиладиган ва муҳокамага сабаб бўладиган терминлар «How Art Can Be Thought» номли тадқиқотида ўрганилган⁸. Тез ўзгарувчан дунё шароитида санъатнинг замонавий талабларга мослашиши ва маданий вазифани бажаришини аниқлаб берган Шарлотта Оттеннинг «Anthropology and art» номли тадқиқотида санъатнинг маданият билан боғлиқлиги асосланган⁹.

Ўзбек тилшунослигида тасвирий санъат терминларининг турли тилларда берилиши масаласи Х.Б.Қодированинг «Атама ва изоҳ (миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча изоҳлаш масаласи)» номли монографиясида ёритилган¹⁰. М.А.Алиеванинг «Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантик-грамматик тадқиқи» номли диссертациясида эса миллий газлама терминларининг маъно хусусиятлари, грамматик структураси ўрганилган¹¹.

Қатор тилларда тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминлари бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилган, аммо инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминларининг миллий-маданий хусусиятларидаги муштараклик ва фарқли жиҳатлар лингвокультурологик аспектда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг лингвокультурологик хусусиятларини чоғиштирма аспектда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасвирий санъат ва дизайн терминларининг инглиз ва ўзбек тиллари терминологик тизимларида тутган ўрнини белгилаш;

⁵Кривцова Л.А. Язык изобразительного искусства: семиотический, антропологический и эпистемологический аспекты. Дисс. кандидата философских наук – М., 2005. – 168 с.

⁶ X.Chang «Across – cultural interpretation of artistic terms in Chinese and western art theory and practice. A semantic analysis». Dissertation (PhD). – NY, 1994. 194 p.

⁷ Pablo Helguera: Manual of Contemporary Art Style // Jorge Pinto Books, 2007, New York / Paperback. – 102 p.

⁸ Allan de Souza. How Art Can Be Thought: A Handbook for Change. – USA: Duke University, 2018. – 336 p.

⁹ Charlotte M. O. Anthropology and art: readings in cross-cultural aesthetics. – USA: The Natural History Press, 1971.

¹⁰ Қодирова Х.Б. Атама ва изоҳ (миллий тасвирий ва амалий санъат атамаларининг ўзбекча – русча – инглизча изоҳлаш масаласи). – Тошкент: Impress Media, 2019. – Б. 78.

¹¹ Алиева М.А. Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантик-грамматик тадқиқи. Фалсафа фанлари бўйича филол.фан.док (PhD). ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – Б. 48.

инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларини мавзувий гуруҳларга ажратиш ва тавсифлаш;

инглиз ва ўзбек тиллари тасвирий санъат ва дизайн терминларининг деривацион структурасидаги ўзига хосликни ҳамда уларнинг ўзлаштириш усуллари ва манбаларини аниқлаш;

тасвирий санъат ва дизайнга оид терминлар номинациясининг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш;

тасвирий санъат ва дизайн соҳасига оид терминларнинг оламнинг лисоний манзарасидаги ўрнини ўрганиш;

тасвирий санъат ва дизайн соҳасига оид термин-реалияларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг семантик-структур, деривацион ва лингвокультурологик хусусиятларини қамраб олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифий, чоғиштирма, лингвокультурологик таҳлил, статистик, компонент таҳлил, семантик майдон методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тилнинг ички ресурсларига таянган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайн терминларининг семантик ва деривацион структураси ҳамда ўзлашма қатламининг умумий ва фаркли жиҳатлари аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг лексик-семантик гуруҳлари таснифига асосланган ҳолда терминологик майдоннинг даврийлик, ҳаракатчанлик, яхлитлик, мослашувчанлик, узлуксизлик каби белгиларга эгаллиги исботланган;

ранг концептининг оламнинг лисоний манзарасини яратишдаги ўрни тил вакилларининг ранг билан боғлиқ миллий, этник, тарихий, идеологик қарашлари асосида далилланган;

илк бор инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайнга оид миллий-маданий кўрсаткичга эга бўлган термин-реалияларнинг лингвокультурологик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат ва дизайн терминларини тартибга солиш бўйича берилган амалий таклиф ва тавсиялар соҳа терминологиясини ривожлантиришга хизмат қилиши асосланган;

тасвирий санъат ва дизайн терминларининг лингвистик хусусиятларига доир назарий хулосалар тегишли олий ўқув юртлирида ушбу соҳалар бўйича ташкил этиладиган ўқув фанларидан дарслик, қўлланма ҳамда электрон луғатлар яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

тадқиқот натижалари тилшуносликда термин яшаш, терминлар учун миллий тилларда муқобил вариантлар ҳосил қилиш, терминлар тараққиётининг

омиллари каби масалаларни ёритишда илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили асосида илмий асосланган хулосалар чиқарилганлиги, муаммога инглиз ва ўзбек тилларининг хусусий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг терминология ва таржимашуносликнинг тадқиқот қўламини бойитиши ҳамда бошқа терминологик тизимларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишда манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосаларнинг соҳавий терминшунослик ва луғатшуносликни ривожлантириш ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилгани, олий ўқув юртлари талабалари учун луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар нашр этиш, турли методик тавсияномалар тузишда аҳамиятлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг шаклланиши, деривацион ва лингвокультурологик хусусиятлари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

тилнинг ички ресурсларига таянган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайн терминларининг семантик ва деривацион структураси ҳамда ўзлашма қатламига оид илмий хулосалардан республикадаги барча санъат йўналиши бакалавр босқичи талабалари учун яратилган «Хорижий тил» номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғига асосан берилган гувоҳнома). Натижада санъат йўналиши бўйича инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайн терминларининг семантик ва деривацион структурасига оид дидактик тамойиллар такомиллашган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг лексик-семантик гуруҳлари таснифига асосланган ҳолда терминологик майдоннинг даврийлик, ҳаракатчанлик, яхлитлик, мослашувчанлик, узлуксизлик каби белгиларга эгаллиги борасидаги хулосаларга оид материаллардан Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида давлат илмий-техник дастури доирасида бажарилаётган ПЗ-2017-0930403 «Ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашда ислом тасвирий санъатининг ўрни» мавзuidaги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 февралдаги 89-03-593-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа иши терминологик майдонининг даврийлик, ҳаракатчанлик, яхлитлик, мослашувчанлик, узлуксизлик каби белгиларга эгаллигига оид маълумотлар билан бойитилган;

ранг концептининг оламнинг лисоний манзарасини яратишдаги ўрни тил вакилларининг ранг билан боғлиқ миллий, этник, тарихий, идеологик қарашларига доир хулосалардан «Инсон - муҳит - санъат - 2019» номли II-Тошкент халқаро амалий санъат биенналесида фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий Академиясининг 2020 йил 7 февралдаги 01-17/59-161-сонли маълумотномаси). Натижада «Шарқ афсоналари», «Аъло бахмал» миллий либослар намоёишлари ҳамда «Санъатдаги глобализм ва миллий ўзига хослик» номли халқаро илмий-амалий конференция концепцияси тил вакилларининг миллий, этник, тарихий, идеологик қарашлари асосида бойитилган;

инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайнга оид миллий-маданий кўрсаткичга эга бўлган термин-реалияларнинг лингвокультурологик хусусиятларига доир хулосалардан ЎЗА сайтида республикада олиб борилаётган илмий изланишлар бўйича ахборотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2020 йил 6 февралдаги 01-23/201-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш Интернет журналистикасининг ахборот кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, манбавий базаси тавсифланган, ишнинг хронологик доираси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Тасвирий санъат ва дизайн терминологиясининг назарий муаммолари**» деб номланувчи биринчи бобида тилшуносликда терминология, термин ва терминосистема ҳақидаги назарий қарашлар, тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминларининг лингвокультурологик аспекти, терминларнинг мавзувий таснифи масалалари таҳлил этилган.

Тасвирий санъат ва дизайн терминологиясини ўрганишда, шубҳасиз терминологик тизимнинг шаклланиши, тараққий этиши, шунингдек, терминларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ишда терминология, термин, терминосистема атамаларининг назарий таҳлилида терминшунос олимларнинг мазкур соҳадаги илмий асарларига мурожаат қилинди. Терминология – тилшуносликда муайян фан соҳасига

тегишли бўлган махсус тушунча ва номларни ифодалашда ишлатиладиган сўз ва сўз бирикмалари мажмуаси. Терминология ҳар қандай миллий тилнинг мустақил сектори бўлиб, касбий фаолият билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон тилшунослигида терминлар бўйича олиб борилган тадқиқотларда *терминология*га бирор-бир соҳага тегишли бўлган билимлар йиғиндисиди ҳосил бўладиган терминлар жамламаси ёки уларнинг қисмига тегишли бўлган тушунчалар сифатида, *терминсистема*га эса терминларни тартибга солувчи ва улар ўртасидаги муносабатни намоён қилувчи тушунча сифатида қаралади¹².

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўзига хос махсус лексикаси мавжуд бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири қўлланиш доирасининг чекланганлигидир. Махсус лексика фақат соҳа вакиллари нутқида қўлланилади ва уларнинг ўзигагина тушунарли бўлади. Тасвирий санъат ва дизайн соҳасида ҳам оддий кишилар тушунмайдиган махсус бирликлар мавжуд: *горельефда, аксонометрик проекция, фреска, барельефда, ўлчов перспективаси, офорт, ксилография* ва бошқалар.

Кўп йиллар мобайнида терминология билан шуғулланган тилшунос олим Т.Л. Канделаки терминга қуйидагича таъриф берган: «Термин деганда, тегишли тушунчалар тизимидаги ўз маъносини аниқлаш учун дефиниция қилинишини талаб этадиган сўз ёки лексикаллашган сўз бирикмаси тушунилади»¹³. А.А. Реформатский терминнинг икки томонлама «фуқаролиги» ҳақидаги фикрни қуйидагича ифодалайди: «Терминнинг ўзига хос хусусияти унинг бирданига икки турли тизим бирлиги эканидир: *логос*– илмий билимлар тизими ва *лексис* – тилнинг лексик тизими. Логос ва лексис терминнинг шаклланиш йўллари ва хусусиятларидан қатъи назар, унинг маъносини тушунишда аҳамиятлидир»¹⁴. Дарҳақиқат, термин махсус тушунчани номлайди. Шунга қарамай, бунда жиддий эътироз пайдо бўлади: номинатив функция кўпгина мустақил маъноли сўзларга хос, бу ҳолатда терминологик лексиканинг ундан фарқли жиҳати бўлмайди, демак, бу белги термин учун асосий ва ягона бўла олмайди, унинг дифференциал белгиси бўлиб хизмат қилмайди. Бу каби далиллар дефинитив функцияни махсус номнинг асосий фарқловчи жиҳати деб, ҳисоблаш имконини бермайди.

Тилшунослар терминларга хос энг муҳим хусусиятлар қаторида уларга қўйиладиган талабларни ҳам белгилаб беришган. Терминга нисбатан меъёрий талаблар илк бор рус терминологик мактаби асосчиси Д.С. Лотте томонидан белгиланган эди. Булар: тизимлилик, терминнинг контекстга боғлиқ эмаслиги, қисқалик, мутлақ ва нисбий бир маънолик, оддийлик ва тушунарлилик, терминнинг жорий этилганлик даражаси¹⁵.

¹²Гринева-Гринева С. В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008. – 9 с.; Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968. – 180 с.; *Wills W. Fachsprache und Übersetzung // Terminologie als angewandte Sprachwissenschaft. München; New York; London; Paris, 1979. – 62 p.*; Drame, A. (2006). Terminography and Lexicography: What is the difference? Retrieved from.

¹³ Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М.: Наука, 1977. – 7 с.

¹⁴ Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М.: Наука, 1986. – 11 с.

¹⁵Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. – М.: Наука, 1971. – 130 с.

Маълумки, терминлар шунчаки ўзига хос сўзлар бўлмай, балки ўзига хос лексик бирликлар ҳамдир. Терминлар номлаш билан бирга таъриф бериш хусусиятига ҳам эга. Сўзлашув нутқида содир бўладиган барча лексик-семантик жараёнлар терминларга ҳам хос. Аммо, терминологик лексикадаги бундай семантик жараёнлар (кўп маъноlilik, омонимлик, синонимлик, антонимлик кабилар) умумдабий лексикадан фарқланади.

Турли мамлакатларда тасвирий санъат ва дизайн соҳасининг ривожланишидаги ўзига хослик бу соҳаларда минтақавий ҳамда миллий хусусиятларнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлдики, улар айрим халқларнинг миллий-тарихий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларини акс эттириб, объектларининг услубий жиҳатдан хилма-хиллигини асослади. Бир вақтнинг ўзида бутун инсониятга дахлдор бўлган глобал ўзгаришлар тасвирий санъат ва дизайн соҳаси тилининг айнанлашувига туртки бўлди ҳамда соҳалар ривожига оид байналмилал йўналишларни белгилаб берди. Ушбу ҳолат эса соҳавий терминологиянинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Тасвирий санъат – рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графикани бирлаштирган нафис санъат тури; воқеликни унинг осонгина илғаб олинадиган фазовий шаклларда кўргазмали образларда акс эттиради. Тасвирий санъат турлари ўз хусусиятларига қараб реал борликни объектив мавжуд сифатлари – ҳажм, ранг, фазо, шунингдек, предметнинг моддий шакли ва нур ҳаво муҳити, ҳаракат ва ўзгаришлари хиссини яратади, бунда тасвирнинг ҳиссий конкретлигидан иллюзионизмга ўтиш мумкин. Тасвирий санъат фақат кўриш мумкин бўлган нарсаларнигина тасвирлаб қолмай, балки асарларида ҳодисаларнинг вақтинчалик ривожини, унинг у ёки бу қисми (фабула), эркин ҳикоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, дунёни ғоявий ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Инсониятнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари, диний қарашлари заминда тасвирий санъат пайдо бўлган ва ривожланган¹⁶.

«Ўзбек миллий энциклопедияси»да *дизайн* термини қуйидагича изоҳланган: «Дизайн (инг. *design* – лойиҳа, чизма, расм) – нарсалар муҳитининг эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсадига қаратилган лойиҳалаш фаолияти турларини ифодаловчи термин».¹⁷

Аммо, дизайн соҳасида халқаро термин сифатида эътироф этилган инглиз тилидаги кўп маъноли *design* термини бадий-амалий, лойиҳавий-ижодий фаолият ва унинг натижаларини ифодаловчи термин сифатида қабул қилинган.

Дизайнерлик ижодига хос асар нафақат утилитар мазмунга эга, балки айрим умуммаданий интенциялар, маънолар ва қадриятларни ифодалашини, шунингдек, субъектив мазмунларни билдириши мумкин.

Дизайн соҳаси ривожланишининг омилларидан бири унинг тўлақонли яшаш муҳитини шакллантиришдаги, жадал модернизация шароитларида турмуш тарзининг маданий жиҳатдан давомийлигини таъминлашдаги иштирокини таъминлашга йўналтирилганлигидир. Бунда турмуш тарзи ва

¹⁶ http://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston_Milliy_Ensiklopediyasi_-_T_harfi.pdf

¹⁷ http://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston_Milliy_Ensiklopediyasi_-_D_harfi.pdf

меъморчилик, дизайн асарлари ўртасида ҳаёт услуби ва муҳит услуби бўйича боғлиқликнинг бўлиши аён. Предмет- макон муҳитининг шакл ҳосил қилиш усулларидаги фарқ турли миллат одамларининг дунёни қабул қилиш тарзи билан боғлиқ.

Маълумки, тасвирий санъат ва дизайн ўртасида жуда нозик алоқадорлик мавжуд. Уларни, ҳаттоки, бир танганинг икки томони сифатида баҳолаш мумкин. Иккала санъат тури ҳам предметли эстетик муҳитни шакллантиришга қаратилган. Дизайн ва декоратив амалий санъат асарларига бир хилда фойдалилик, мустаҳкамлилиқ, гўзаллик хос. Бу йўналишдаги асарларни бир-биридан фарқлаш борасида турли фикрлар баён этилади. Баъзилар буюмларни оммавий тусга киритиш дизайн объектларининг асосий белгисидир, деб кўрсатсалар, айримлар рассомнинг ноёб ижодини фақат декоратив-амалий санъат юзага чиқаради, деб ҳисоблайдилар.

Тасвирий санъат ва дизайн дискурсида мазкур соҳада қўлланувчи ўзига хос бирликлар тизимидан фойдаланилади. Бу соҳаларда тизим ҳосил қилувчи фаол бирликлар сифатида *дизайн, тасвирий санъат, санъат, гўзаллик, нафосат, тасвир* кабиларни ажратиш мумкин. Бу бирликлар ушбу соҳалар лексик-семантик майдонининг марказидан ўрин олади.

Тасвирий санъат ҳамда дизайн терминлари вариантлилиқ хусусиятига эга. Терминлардаги вариантлилиқ асосида уларни *маданий (тарихий-худудий) компонентга эга тушунча англатувчи терминологик бирликлар* сифатида баҳолаш мумкин. Маълумки, маданийлик терминлар шаклланишининг мажбурий белгиси ҳисобланмайди. Аммо тасвирий санъат ва дизайн соҳалари терминологиясида универсал терминлар қаторида ўзига хос миллий терминлар ҳам кузатилади. Бундай терминлар ушбу соҳалар терминологиясини ўрганишда принципиал аҳамият касб этади.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, лингвомаданиятшуносликка оид айрим ишларда «*маданий бирликлар*» тушунчаси фақат умумистеъмолдаги лексикага нисбатан ишлатилади, терминларда бу белгининг мавжудлиги эътиборга олинмайди. Г.Д. Томахин бу масалага қуйидагича аниқлик киритган: «Мамлакатга оид маданий компонентлар (маданий компонентга эга сўзлар) маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини намоён қилувчи семантика ҳисобланади. Бундан ташқари, сўз маъносининг маданий компоненти, биринчи навбатда, *ноэквивалент лексика* деб номланади ва турли маданиятларга хизмат қилувчи тилларни таққослаш орқали аниқланади»¹⁸.

Н.Г. Комлевнинг таъкидлашича, «Лексик маъно маданий компонент билан бирга келади. Сўзнинг қандайдир ички таркиби мавжудлигини, яъни сўз-белги ўзидан ташқари муайян тушунчани англатишини тан олиш билан бир қаторда, сўз таркибидаги маданий компонент индивиднинг маданий муҳитига боғлиқлигини ҳам тан олишимиз шарт»¹⁹.

Англашиладики, *маънонинг миллий-маданий таркибий бирлиги, маданий-тарихий таркибий бирлик, муқобилсиз лексика, фон лексикаси* ва

¹⁸ Томахин Г.Д. Америка через американизмы. – М.: Высшая школа, 1994. – 15 с.

¹⁹ Комлев Н. Г. Компоненты содержательной структуры слова. – М.: КомКнига, 1969. – 116 с.

*коннотатив лексика*²⁰ ҳақида гап кетганда, аввало, миллий-маданий семали умумистеъмол бирликлари назарда тутилади, терминларда ҳам кузатилувчи бу белги ҳақида деярли сўз очилмайди.

С.В. Иванова лексик бирликларга хос *лингвокультурологик белги* деганда, халқ ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари, тарихининг тилда ифодаланилиши тушунилишини қайд этади²¹. Бу жиҳатдан ёндашганда, тасвирий санъат ҳамда дизайн соҳаси терминларида ҳам халқ урф-одатлари, анъаналарининг акс этиши уларда миллий-маданий белгининг мавжудлиги ҳақида гапириш учун асос бўла олади.

Тадқиқотда тасвирий санъат ва дизайн терминларини лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш учун лексикографик манбалардан 3000 дан ортиқ терминлар танлаб олинди. Улардан 1000 таси ўзбек тили, 2000 таси инглиз тили терминлари бўлиб, 20 фоизи маданий компонентга эга терминлардир. Терминларни таҳлил қилишда замонавий инглиз ва ўзбек тилларидаги соҳавий луғатлар²²дан фойдаланилди.

Тадқиқотда тасвирий санъат ва дизайн соҳаларига бевосита ва билвосита тааллуқли терминларнинг мавзувий таснифи келтирилди. Мавзувий таснифлаш терминларнинг кичик гуруҳлардан иборат асосий гуруҳларга тақсимланиши асосида амалга оширилди. Терминларни бир гуруҳга жамлашда улар англатган предметлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ўхшашлиги ёки умумийлигига эътибор қаратилди.

Тасвирий санъат соҳаси терминлари мавзу жиҳатдан кичик гуруҳларга таснифланади. Бу ҳолат соҳада турли ички йўналишларнинг мавжудлиги билан алоқадор бўлиб, ҳар бир ички тур ўз терминлар тизими билан ажралиб туради. Тасвирий санъатнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат: рангтасвир (*дастгоҳли рангтасвир, монументал рангтасвир, миниатюра рангтасвир, декоратив рангтасвир, театр-декоратив рангтасвири, easel painting, monumental painting, miniature, decorative painting, theatrical-decorative painting*); графика (*дастгоҳли графика, китоб графикаси, каллиграфия, плакат, компьютер графикаси, саноат графикаси, гравюра, литография, machine graphics, book graphics, calligraphy, poster, computer graphics, industrial graphics, engraving, lithography*); ҳайкалтарошлик (*ҳайкал, бюст, рельеф, барельеф, горельеф, контррельеф, statue, bust, relief, bas-relief, high relief, counter-relief*) ва архитектура (*қурилиш ва иншоотлар проекцияси, шаҳарсозлик, ландшафт дизайни, дизайн интерьер, кичик шакл архитектураси, қозғоз архитектураси, design of buildings and structures, urban planning, landscape architecture, interior design, architecture of small forms, paper architecture*).

²⁰ Ощепкова В.В. Язык и культура Великобритании, США, Канады, Австралии, Новой Зеландии. – М.: Глосса-Пресс, 2004. – С. 95-96.

²¹ Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: дисс. ... к. филол. н. – Уфа, 2003. – С. 6-7.

²² Умаров А., Аҳмедов М. Тасвирий санъат терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 73.; Қодирова Х. Миллий тасвирий санъат ва амалий санъат атамаларининг қисқача ўзбекча-русча-инглизча изоҳли луғати. – Тошкент: Headbook, 2019. – Б. 195.; Булатов С.С. Аширова М.О. Амалий санъат қисқача луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 47.; Michael Clarke. The Concise Oxford Dictionary of Art Terms. – UK.: Oxford University Press, 2010. – 267 p.

Дизайн соҳаси терминларининг кичик мавзувий гуруҳлари лойиҳавий-ижодий фаолиятнинг бадиий-амалий кўринишлари бўйича аниқ тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади. Дизайн соҳаси терминларининг мавзувий гуруҳларини қуйидагича белгилаш мумкин: саноат дизайни (*жиҳозлар дизайни маиший техника, industrial design: furniture design, home appliances* кабилар); график дизайни (*типография, фотография, иллюстрация; graphic design: typography, illustration* кабилар), ландшафт дизайни (*кичик меъморий шакллар, ёритишни ташкил этиш; lighting arrangement* кабилар); веб-дизайн (*сайт, коллаж, вёрстка; site, collage, page-proofs*); экодизайн (*шаҳар муҳити; urban environment*); либос дизайни (*либос, аксессуар, модел, clothing, accessory, model*).

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминларининг лингвистик хусусиятлари**» номли иккинчи бобида терминларнинг деривацион ва структур хусусиятлари таҳлил этилган.

Тадқиқотларда терминлар деривацион нуқтаи назардан асосан икки усули ажратилади:

- 1) аффиксация (морфологик) усули;
- 2) композиция (синтактик) усули.

Инглиз ва ўзбек тилларида терминларнинг шаклланиш манбаларини тилнинг ички ресурсларига таянган ҳолда қуйидаги турларга ажратилди: содда терминлар, қисқартма терминлар (аббревиатура терминлар), бирикма терминлар ва мураккаб терминлар.

Структур жиҳатдан терминлар монологемали ва полилогемали бўлиши мумкин. Тасвирий санъат ва дизайн соҳасидаги терминлар ҳам структур жиҳатдан икки катта гуруҳга бўлинади: бир сўздан ташкил топган термин лексемалар ва бир неча сўздан иборат бирикма терминлар. Содда терминлар терминологик тизимнинг кўп қисмини ўз ичига олади, улар инглиз тилида терминологик тизимнинг 40% ни ташкил этади. Бирикма терминлар терминологик тизимнинг 35% ни ташкил этади. Ўзбек тилида содда терминлар 45 % ни ташкил этса, бирикма терминлар 40 % ташкил этади (1-жадвалга қаранг).

1- жадвал

Инглиз ва ўзбек тилларида тасвирий санъат ва дизайн терминларининг ички манба асосида шаклланиши

Терминларнинг турлари	Миқдори		Фоизда кўрсаткичи	
	инглиз тилида	ўзбек тилида	инглиз тилида	ўзбек тилида
Содда терминлар	800	450	40 %	45 %
Бирикма терминлар	700	400	35 %	40 %
Мураккаб терминлар	430	130	21.5 %	13 %
Аббревиатура терминлар	70	20	3.5 %	2 %
ЖАМИ	2000	1000	100 %	

Содда терминлар сирасига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

Инглиз тилида: *art, alloy, base, atlantes, basalt, sepia, symbolalbum, antic, batic, clay, draw, paint, emblem, design, marble, montage, patina, tone* ва ҳ.к.; ўзбек тилида: *санъат, намуна, сиёҳ, лавҳ, бигиз, нақш ранг, кашта, ислими, пардоз* кабилар.

Баъзи терминлар турли маъноларни англатиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *base* термини қуйидаги маъноларни англатади: а) бирор-бир структура ёки архитектура объектининг қуйи қисми; б) геральдик шитнинг қуйи қисми. Масалан, *bevel* ва *bezel* терминлари фонетик жиҳатдан фарқланади ҳамда қуйидаги маъноларни ифодалайди: *bevel* - мебель ёки шишада (масалан, кўзгуда) ишлатиладиган эгик ён қисм; *bezel* - заргарлик буюмлари, асосан, узукнинг тош ўрнатиладиган қирра қисми.

Ўзбек тилида калькаләш орқали термин ҳосил қилишда терминнинг туб ёки ясама эканлигига эътибор қаратилиши характерлидир. Масалан, *corbel* термини учун ўзбек тилида *камар* муқобил термин сифатида танланган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги мазкур терминлар «*a structural piece of stone, wood or metal jutting from a wall to carry a superincumbent weight, a type of bracket*», «*тош блоки, одатда, девордан проекцияланадиган ва том, пол ёки гумбазни тугиб турувчи пухта ишланган ўйма шакл*» маъносини англатади.

Мураккаб терминлар икки компонентнинг семантик ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топган терминлардир. Мураккаб терминлар предмет, воқеа-ҳодисани номлаш билан бирга, уларни бир вақтнинг ўзида икки хил белгиси асосида тавсифлай олади. Шундай экан, мураккаб терминлар турли компонентларнинг мақсадли бирикувидан ҳосил бўлган махсус бирликлар ҳисобланади.

Тасвирий санъат ва дизайн соҳасига оид инглиз ва ўзбек тилларидаги мураккаб терминларнинг қуйидаги моделларда шаклланган турларини ажратиш мумкин:

[от+от] (N + N) моделида шаклланган қўшма терминлар

Инглиз тилидаги терминларнинг муайян қисми қўшма сўз шаклида бўлиб, уларнинг аксариятини «от+от» шаклидаги қўшма терминлар ташкил этиши кузатилди: *kitcat* – *kit* + *cat*; *breakfront* – *break* + *front*; *agateware* – *agate* + *ware*; *airbrush* – *air* + *brush*; *beadwork* – *bead* + *work*.

Ўзбек тилида ҳам инглиз тили сингари «от+от» шаклидаги қўшма терминлар учраши кузатилди ва ушбу терминлар ўзининг миллийлик хусусиятлари билан ажралиб туради: *аноргул* – *анор* + *гул*; *рангтасвир* – *ранг* + *тасвир*; *қаламтасвир* – *қалам* + *тасвир*; *чизматасвир* – *чизма* + *тасвир*.

Терминологик бирликлар тизимида бирикма шаклидаги терминларнинг салмоғи анча кенг. Айниқса, илмий ва техникавий терминологияда бирикма терминларнинг улуши юқори.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги бирикма терминларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўплигига қарамай, бу масала ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Бу типдаги терминлар манбаларда турлича атамалар билан ифода этилади: «кўп компонентли терминлар», «фразеологик

терминлар», «сўз бирикмаси шаклидаги терминлар», «полилексем терминлар», «бирикма терминлар», «терминологик комплекслар», «синтактик усулда ясалган терминлар» каби.

Тадқиқот жараёнида тасвирий санъат ва дизайн терминларининг кўп қисмини икки компонентли терминлар ташкил қилиши аниқланди. Булардан айримлари қўшма термин мақомида бўлса, баъзилари бирикма термин хусусиятига эга. Булар орасида икки компонентли бирикма терминлар энг маҳсулдордир. Биз таҳлил қилган инглизча 700 та бирикма терминдан 500 таси, ўзбек тилида 400 тадан 350 таси икки компонентли бирикма терминлардир.

Лексик-семантик гуруҳлар сўзларнинг муҳим синфи ҳисобланади. Уларда нафақат умумий грамматик сема, балки умумий категориал лексик сема ҳам мавжуд бўлади²³. Бу сема гуруҳнинг семантик негизини ташкил этади ва ҳар бир алоҳида сўзда дифференциал семалар ёрдамида аниқлаштирилади²⁴.

Лексик-семантик майдон ядровий лексемалар ҳамда яқин ва узоқ чекка қисм лексемаларидан таркиб топган микромайдонлардан ташкил топади. Бундай бўлиниш ҳар бир микромайдонга кирувчи лексик бирликларнинг семантик белгиларига асосланади.

Инглиз тилида *design (дизайн)* микромайдони тузилмаси ядро қисмидан куйидаги терминлар ўрин олади: *transportation design, architectural design, design of clothes, web design, interior design, landscape design, environmental design*.

Ўзбек тилида эса куйидаги терминлар дизайн микромайдони ядросини ташкил қилади: *транспорт дизайни, архитектура дизайни, кийим-кечак дизайни, веб-дизайни, интерьер дизайни, ландшафт дизайни, экологик дизайн*.

Art (санъат) – энг кўз илғамас терминлардан, у шундай тушунчани берадиган маданиятлардагина қўлланилади. Кенг маънода айтганда, «санъат» термини эстетик ва интеллектуал жиҳатдан баҳоланадиган ҳар қандай иш/субъектга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида *art-санъат* микромайдонининг тузилмаси куйидагича ташкил топади:

инглиз тилида: *art brutap, abstract art, art nouveau art nouveau, art history, anti-art, applied art, art deco, art for art's sake, arts and crafts movement, Arts Council of Great Britain, auto-destructive art, beaux-arts*; ўзбек тилида: *абстракт санъат, замонавий санъат, санъат тарихи, антисанъат, амалий санъат, арт деко, санъат учун санъат, Америка санъат ва ҳунармандчилик ҳаракати, Буюк Британиянинг санъат кенгаши, автоматик равишда ўзини йўқ қиладиган санъат, тасвирий санъат*.

²³ Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка: Учеб. пособие. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Высшая школа, 1989. – 74 с. 2 Там же. – 75 с.

²⁴ Русский семантический словарь: Толковый словарь, систематизированный по классам слов и значений. Под ред. Н.Ю. Шведовой: В 4 т. – М.: Азбуковник, 1998. Т. 2. – 595 с.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги терминлар семантик майдонлари таҳлилидан маълум бўладики, ҳар икки тилда терминлар майдонлари учун универсал бўлган хусусиятлар мавжуд. Терминлар семантик майдони таркибига кирувчи гипероним ва гипонимларнинг ифодаланиш усуллари умумий: «тур» тушунчаси, одатда, бир от билан ифодаланса, «хил» тушунчаси отлар иштирокидаги сўз бирикмалари моделлари билан ифодаланади.

Сўз ўзлаштириш мураккаб жараён бўлиб, ўзлаштирилаётган тил билан ўзлаштирувчи тилнинг товуш таркиби ҳамда грамматик қурилиши кўп ҳолларда бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, сўз ёки термин ҳар доим ҳам ўзлашма тилдаги маъноси билан ўзлаштирилавермайди. Демак, бошқа тиллардан ўзлаштирилаётган сўз ва терминлар ўзлаштирувчи тилнинг фонетик ва грамматик меъёрларига мослаштирилади. Баъзан сўз ёки терминни ўзлаштириш жараёнида айрим маъно ўзгаришлари ҳам рўй беради.

Тасвирий санъат ва дизайн терминологиясида сўз ўзлаштириш усули муҳим ўрин тутаяди. Бу усул соҳа терминологияси шаклланишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек тили тасвирий санъат ва дизайн терминологиясида ўзлашма терминларнинг салмоғи юқори. Ўзбек тилидаги ўзлашма тасвирий санъат ва дизайн терминларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири уларнинг термин ясовчи префикслар ёрдамида ҳосил бўлганлигидир. Масалан, *antepodium* – *антепендиум*, *antiquary* – *антиквар*, *anti-art* – *анти-санъат* кабилар.

Шунингдек, ўзлашма префикслар иштирокида ясалган от терминлар қаторига *нео-*, *гипер-*, *пост-*, *прото-*, *супер-*, *контр-* каби ясовчилар билан ясалган *неоклассицизм*, *неоимпрессионизм*, *неореализм*, *неоэкспрессионизм*; *гиперреализм*, *постимпрессионизм*, *постмодернизм*, *трансавангард*, *проторенессанс*, *суперреализм*, *контражур* кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Инглиз тилига қуйидаги содда терминлар ўзлаштирилган: *gallery*, *etude*, *essence*, *bole*, *barocco*, *abriss* ва ҳ.к.;

ўзбек тилига қуйидаги содда терминлар ўзлаштирилган: *арт*, *арка*, *бисер*, *жанр*, *бюст*, *вернисаж*, *бисквит*, *бистр*, *геба*, *гектор*, *гуашь*, *геликон*, *калька*, *контур*, *макет*, *стиль*, *формат*, *эскиз*, *штрих* ва ҳ.к.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, инглиз ва ўзбек тилларида дизайн ва тасвирий санъат соҳасига доир терминларнинг аксарияти икки ҳамда ундан ортиқ компонентлидир. Бу ҳолат терминларнинг ихчам, қўллашга қулай бўлишини таъминлаш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ягона ифода шаклига келтириш заруратини юзага келтиради.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тиллари тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминларининг миллий-маданий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тасвирий санъат ва дизайн терминлари номинациясининг миллий-маданий хусусиятлари, термин-реалиялар таҳлил қилинган.

Тасвирий санъат ва дизайн соҳалари терминларининг шаклланиши ва тараққиётида миллий ва байналмилал хусусиятлар қоришиб кетган. Ушбу

терминларнинг шаклланишида миллий-ментал феноменлар – эътиқод, дин, маънавий-ахлоқий қадриятлар, тарихий шарт-шароит кабилар муҳим ўрин тутади.

Тасвирий санъат ва дизайн терминлари орқали маданий қадриятлар, хусусан, халқларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу ҳолат шу билан боғлиқки, миллий маданият негизини авлоддан-авлодга ўтувчи муҳим қадриятлар сифатида айнан анъана, урф-одатлар ташкил қилади. Бу жиҳатдан терминлар номинациясида ҳам ўзига хос миллий-маданий хусусиятлар ажралиб туради.

Умумистеъмолдаги лексемалардан семантик усул ёрдамида ҳосил бўлган тасвирий санъат ва дизайн терминлари ҳам ана шу иккинчи (иккиламчи) номинация жараёнининг маҳсули ҳисобланади. Бундай терминлар номлаш эҳтиёжи билан ҳосил қилинар экан, ҳосил бўлиш жараёнидаёқ лингвокультурологик хусусиятга эга бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *sketch* (*эскиз*) термини ўзбек тилида *илова* тарзида берилади ва компьютер дизайни соҳасида бир неча маъноларда келади: а) «*Bohemian Coding*» компанияси иловасини англатувчи ушбу термин «вектор графикасини яратиш»га нисбатан қўлланилади; б) тезкор равишда яратиладиган «келажак дизайн эскизлари»га нисбатан қўлланилади.

Тасвирий санъат ва дизайн терминларининг лингвокультурологик хусусиятлари, айниқса, бирикма терминлар номинациясида ёрқин акс этади. Бундай терминларнинг бирикма тарзида шаклланиши, компонентларининг бир-бири билан семантик алоқадор бирликлардан ташкил топиши, тил эгалари томонидан махсус ҳосил қилиниши уларнинг миллий-маданий хосланишини кўрсатади.

Изланишларимиз шуни кўрсатдики, тасвирий санъат ва дизайн терминларининг ҳосил қилинишида «образ», «миф», «символ» каби феноменларга ҳам таянилади. Аммо, бу феноменлар уларни тавсифлашда турли ёндашувларнинг мавжудлиги боис барқарор таъриф ва тавсифга эга эмас.

